

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 144 (1470), 2025 йил 16 июль, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАРНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ўсишини таъминлаш жараёнида кенг аҳоли қатламининг иштирокини ҳамда уларнинг турли соҳалардаги истиқболли ташаббусларини рағбатлантириш ва инновацион фаоллигини янада оширишнинг самарали механизмларини жорий қилиш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар аҳолининг истиқболли ташаббусларини рағбатлантириш чора-тадбирларининг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

а) самарали ва халқчил ислохотларни амалга оширишда кенг жамоатчилик ва жамиятнинг турли қатламлари вакиллари, хусусан, етук мутахассислар, ёшлар, тадбиркорлар, фаол фуқаролар ва ватандошларнинг (кейинги ўринларда — кенг аҳоли қатлами) иштирокини қўллаб-қувватлаш;

б) мамлакат рақобатбардошлигини ошириш, янги технологиялар ва илм-фан ютуқларини интеграция қилиш;

в) истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг аҳоли қатлами учун очик мулоқот майдонини яратиш;

г) замонавий, илғор ғоялар ва истиқболли ташаббусларни саралаш ва танлаб олишнинг самарали механизмларини жорий қилиш.

II. “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумини ўтказиш

2. 2025 йилдан бошлаб ҳар йили “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумини (кейинги ўринларда — Форум) ўтказиб бориш амалиёти жорий қилинсин.

3. Белгилансинки:

а) Форум “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш жараёнида кенг аҳоли қатламининг истиқболли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаоллигини рағбатлантириш ва кенг тарғиб қилишга қаратилган;

б) Форум ўтказиладиган устувор йўналишлар ҳар йили “Келажақ учун”

истиқболли ташаббуслар форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) томонидан белгиланган тартибда;

в) Форумга умумий тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Ташкилий қўмита, истиқболли ташаббусларни баҳолаш Менторлар кенгаши томонидан амалга оширилади;

г) Стратегик ислохотлар агентлиги Форумга келиб тушган истиқболли ташаббусларни йиғиш, уларнинг ягона рўйхатини шакллантириш, махсус крауд платформага жойлаштириш ва эълон қилиб боришга ҳамда Форум натижаси бўйича маъқулланган истиқболли ташаббусларнинг масъул вазирилик ва идоралар томонидан амалга оширилишини мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланади;

➤ Давоми 2-бетда



ИСТИҚЛОЛ АКС ЭТАР МАМНУН КЎЗЛАРДА...

Тарих саҳнасида шундай даврлар бўладики, улар йиллар ва асрлар оша нафақат тақвим варақларида, балки миллатнинг хотирасида, руҳияти ва келажақ авлодларининг тафаккур тарзида ўчмас из қолдиради. Бундай даврлар оддий вақт оқимидан ажралиб туради, улар миллат ҳаётидаги бурилиш нуқталари, тарихий фурсатлардир. Бугун биз, ҳеч бир муболағасиз, ана шундай муҳим, ана шундай тарихий бир даврда яшамокдамыз.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг шонли 34 йиллик тўйини нишонлаш арафасида эканмиз, ўтган йилларга, босиб ўтилган мураккаб, айни пайтда шарафли йўللарга теран бир нигоҳ ташлаймиз. Бу нигоҳ замирида бугунги кунимизнинг ёруғ манзараларидан

чексиз гурур ва ифтихор туйғуси жўш уради. Бу гурур, бу кўтаринкилик ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Унинг пойдеворида халқимизнинг асрий орзу-армонлари, тикланган қадрият, бунёдкорлик шижоати ва энг муҳими, ана шу эзгу интилишларни бир мақсад сари

бирлаштира олган, миллатнинг дардини ўз дарди деб билиб, уни улуг ишларга сафарбар этган давлатимиз раҳбарининг қатъий ирода-си ва фидокорона меҳнати мужассам.

➤ Давоми 2-бетда

Олтин авлод қаноти

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ — АДОЛАТ, ИШОНЧ ВА ИМКОНИЯТ



Янги Ўзбекистоннинг инсонлар ҳаётидаги битта муҳим жиҳатини сўрашса, ҳеч шубҳасиз, ишонч деб жавоб берардим. Ишонч инсонга чексиз қувват беради. Шу боис, одамлар қалбини яхши маънода забт этиш, ишончини оқлаш осон эмас. Чунки бу туйғу инсон қалбидан энг нозик кўрик жойидир. Янги Ўзбекистонни яратишда катта мақсад олдимизга қўйилган, халқимиз бунга катта ишонч билдирди ва шу ғоя атрофида бирилади. Бунинг сири нимада деб сўраганларга Ҳазрат Навоийнинг қуйидаги байти билан жавоб бергим келади.

Неким ўз қошингда эрур норава,
Улусқа они кўрма асло раво.

Яъни Ҳазрат ўзинга раво кўрмайдиган нарсаларни халққа ҳам раво кўрма, инсонни қадрла демоқчи. Янги Ўзбекистондаги ислохотлар эса “Инсон қадри учун” шиори асосида старт олди ва бу ўзгаришлар қисқа вақтда самара бера бошлади. Шу боис, бугун халқимиз қалбидан эртанги кунга қилиб ишонч пайдо бўлди.

Президентимиз шу йил 8 июль куни имзолаган “2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XXXIV ёзги Олимпиада ва XVIII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги тарихий қарори соҳада янги даврни бошлаб берди.

➤ Давоми 3-бетда

“AGRO IN VITRO” даги ҲАЁТ

ИЛМ ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН БОҒЛАР

Инсон ва табиат ўртасидаги боғлиқлик бутун ҳаётнинг, иқтисодиётнинг мустаҳкам таянчи саналади. Кишлоқ ҳўжалиги эса ана шу муносабатнинг энг қадимий ва ҳаётий кўринишидир. Инсоннинг ерга экин экиш, боғ барпо этиш, унинг мевасидан фойдаланиш эҳтиёжи тугамайдиган жараён.

Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари туфайли об-ҳаво шароити қўйилмаган ҳолда кескин ўзгариб, баъзан баҳорда куннинг иссиқ кетиши ёки хирмон кўтарилиб, ҳосил териб олинмайдиган пайтда тўсатдан қунарларнинг совиб кетиши, ҳаттоки қор ёғиши оддий ҳолга айланиб қолди. Бундай табиий ҳодисалар куну тун меҳнат қилиб, ердан даромад топишни кутаётган деҳқонлар учун огир синов

ҳисобланади. Масалан, бир боғбон йиллаб меҳнат қилиб, мевали дарахт парваришлайди. Ниҳоят ҳосил оламан, даромад кўраман деган вақтда совуқ уриб, бутун меҳнати зое кетади. Ёки сўнгги йилларда янада кучайиб бораётган сув танқислиги туфайли бутун ҳосили сувсизликдан қуриб битади.

➤ Давоми 4-бетда



“Яшил” тараққиёт

“ЗАРЧОБ-3” ГЭСИ ЭЛЕКТР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАЙЁР

Сурхондарё вилоятида гидроэнергетик қувват 8 йилда 9 баробарга ошди

Сурхондарё вилоятининг жануби-шарқидаги тоғлар бағридан виқор билан оқувчи Тўпаланг дарёси гўё минг йиллардан буюн тоғ тошларга сир айтиб келадиган тинч ҳамда қорлар эриганда у шиддатли ва тўлқинли, ёзда эса тиник ҳамда сокин. Ана шу дарё ўстида барпо этилган улкан гидроиншоот — “Тўпаланг” сув омбори бугун нафақат сув, балки ҳаёт, қувват ва ишонч тимсолига айланган.

Ясси водийларни сув билан тўйинтирувчи, юз минглаб гектар ерга ҳаёт бағишловчи бу иншоот инсон ақли ва табиат қудратининг уйғунлиги асосида бугун тошқинларнинг олдини олишда, воҳанинг сув ва электрга талабини, шунингдек, аҳолининг ичимлик сувга эҳтиёжини қондиришда энг муҳим мандир. Табиат инжиқлик қилган пайтлар — ёмғир кам, сув сатҳи тушиб кетган чоғларда

ҳам “Тўпаланг” сув омбори воҳани оби-ҳаёт билан таъминлаб туради. Унинг ёнида қад ростлаган гидроэлектр станциялар эса куну тун ишлаб, электр нури тарқатади. Сув омборининг қияликларга таяниб қўзилган сатҳи, кучли оқимни жилавлаган деворлар, кўз илғамас кенглиги ўз-ўзидан пайдо бўлмаган.

➤ Давоми 4-бетда

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

100 ТА ЛОЙИҲА, 100 МИНГ
МУТАХАССИС: соҳада
рақобатбардош ва юқори
малакали кадрлар янада кўнаяди



5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАРНИ ЯНАДА Қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

д) Форумни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар 2025 йилда **Стратегик ислохотлар агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан, 2026 йилдан бошлаб **Давлат бюджети параметрлари**да назарда тутиб борилади;

е) Форумни ўтказиш жойини тегишли **воситалар** (баннерлар, видеороликлар, экранлар, алоқа ва бошқа воситалар) билан таъминлаш **“Интерфорум” ДУК** томонидан амалга оширилади;

ж) Форумнинг **эндаумент фонди** ихтиёрий маблағлар асосида шакллантириладиган фонд сифатида ташкил этилади;

з) Форумда маъқулланган истиқболли ташаббусларни тижоратлаштириш ва молиялаштиришга **“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ** ва бошқа **тижорат банклари**, шунингдек, Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси масъул ҳисобланади.

III. Ташкилий чора-тадбирлар

4. Қуйидагилар:

а) **“Келажак учун” истиқболли ташаббуслар форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби** 1-иловага мувофиқ;

б) **“Келажак учун” истиқболли ташаббуслар форумининг менторлар кенгаши таркиби** 2-иловага мувофиқ;

в) **“Келажак учун” истиқболли ташаббуслар форумини ўтказиш тартиби** тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

г) **“Келажак учун” истиқболли ташаббуслар форумини 2025 йилда ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режаси** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

а) Форумга тайёргарлик жараёнида келиб тушган истиқболли ташаббуслар **топ-50** ва **топ-10** талик тартибида сараланади;

б) Менторлар кенгаши томонидан **топ-10** деб топилган энг долзарб

истиқболли ташаббуслар **Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида** ўтказиладиган Форумнинг ялпи мажлисида муҳокама қилинади;

в) Форумнинг ялпи мажлисини ўтказиш якунлари бўйича **маъқулланган** истиқболли ташаббусларни амалга ошириш юзасидан **чора-тадбирлар режаси** ишлаб чиқиладиган;

г) чора-тадбирлар режасига киритилган истиқболли ташаббусларни амалга ошириш учун **кредит** ва **грантлар** ажратилиши, **солиқ, божхона** ва бошқа рағбатлантириш чоралари қўлланиши мумкин;

д) Форум доирасида келиб тушган бошқа ташаббуслар Вазирлар Маҳкамасига **давлат дастурларини**, тегишли **соҳа, тармоқ** ёки **хўудларни ривожлантириш** бўйича чора-тадбирларни шакллантириш мақсадида юборилади ҳамда Ҳуқумат томонидан уларни амалга ошириш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

6. Стратегик ислохотлар агентлиги (**Б.Рахматов**) ҳамда Рақамли технологиялар вазири (**Ш.Шерматов**) Иқтисодиёт ва молия вазири (**И.Норкулов**), **“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ (С.Аннакличев)** ва **“Интерфорум” ДУК (Б.Зуфаров)** билан биргаликда **икки ой муддатда** Форумда иштирак этишни хоҳловчи шахсларни очик электрон рўйхатга олиш, анкета тўлдириш, истиқболли ташаббуснинг профили ва кун тартиби, дастури, иштирак этиш шартлари, шунингдек, бошқа маълумотлар олиш имкониятини берувчи **крауд платформаси яратилишини** ва **ишга туширилишини** таъминласин.

7. Ташкилий қўмита (**Б.Рахматов**):

а) 2025 йилда ўтказиладиган Форумнинг **устувор йўналишларини** белгиласин;

б) **икки ой муддатда** Форумни 2025 йилда ўтказишнинг **аниқ санаси** ва **жойи** ҳақида таклиф киритсин;

в) Форумни ўтказиш бўйича **ташкил чора-тадбирлар режасининг** сифатли ва ўз вақтида **бажарилишини**, шунингдек, **масъул ижрочилар** фаолияти **мувофиқлаштирилишини** таъминласин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги Форумни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни оммавий ахборот воситаларида, жумладан, интернет ва ижтимоий тармоқларда **кенг ёритилишини** таъминласин.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Стратегик ислохотлар агентлиги директори Б.Б. Рахматов белгилансин.

10. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 14 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!



Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
академик

Бошланиши 1-бетда

Яқинда Президентимизнинг Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларига таширфида иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Ушбу таширф давомида билдирилган ҳар бир фикр, илгари сурилган ҳар бир ташаббус ва белгилаб берилган вазифалар менда катта таассурот қолдирди. Бу жараённинг бевоқиф гувоҳи бўлганимдан қалбимга илиқлик, руҳимга янги бир қувват кирди, десам асло муболаға бўлмайди.

Узоқ йиллар давомида зиёли сифатида таълим-тарбия, адабиёт ва маънавият соҳасида ишлаб, шунингдек, чуккур англадимки, жамиятнинг юксалиши кўчалар раванлиги, бинолар баланглиги билангина ўлчанмайди. Булар муҳим, албатта. Бироқ ҳақиқий, бардавом тараққиёт инсон тафаккурининг юксалиши, маънавиятининг бойиши, қалбида эртанги кунга ишонч туйғусининг мустаҳкамланиши билан белгиланади. Президентимизнинг бу галги таширфи эса айнан ана шу моддий ва маънавий юксалишнинг нақадар уйғун, нақадар ҳамоҳанг олиб борилаётганининг яна бир ёрқин исботи бўлди.

Пойтахтимиз марказидаги кўчалардан бирида рўй берган ўзгаришларга диққат қилайлик. Бу ерда гап фақатгина йўлларнинг

очик ва жонли ҳудудга айлантирилмоқда. Бу давлатнинг ўз фуқароларига юзланиши, уларнинг нафақат моддий эҳтиёжлари, балки маънавий-эстетик талабларини ҳам ҳисобга олаётганининг ёрқин ифодасидир.

Туну кун ҳаёт қайнайдиган муҳитнинг яратилиши эса жамиятимизда янги бир ижтимоий қатлам — ташаббускор, дунёқараш кенг, ўз меҳнати билан фаровонлик яратадиган инсонлар сафи кенгайиб бораётганидан далolat беради. Бу жараёнларда миллий меҳмондўстлигимиз, бетакрор ошпазлик санъатимиз каби анъаналаримиз замонавий хизмат кўрсатиш маданияти билан уйғунлашадигани биз дунёга янгилик қиёфада, ўзлигимизни йўқотмаган ҳолда очик намоён бўлаётганимизни кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг Янги Камолон маҳалласига таширфи, одамлар билан самимий мулоқоти менда катта таассурот қолдирди. Негаки маҳалла бу — миллатнинг жони, унинг ўзаги. Маданиятимиз, тилимиз, урф-одатларимиз, меҳр-оқибат каби энг нозик ва муқаддас туйғуларимиз айнан маҳалла бағрида асраб-авайланади, авлоддан авлодга ўтади. У миллатнинг ижтимоий иммунитетини, бегона ва зарарли унсурлардан асрайди, ўзлигимизни сақлаб қолишга хизмат қиладиган мустаҳкам бир қўргондир. Шу боис, ислохотларнинг самарасини, унинг “нафаси”ни, энг аввало, маҳалла ҳаётида, оддий одамлар турмушида, уларнинг юз-кўзидаги мамнуниятда кўриш, сезиш мумкин.

Янги Камолон маҳалласининг бугунги қиёфаси янги Ўзбекистон маҳаллаларининг умумлашган образидир. Текис йўллар, кўкаламзор ҳудудлар, болалар майдончасидаги шўх-шодон кулгилар, нурунийлар оромгоҳида суҳбат қуриб ўтирган отахону онахонларнинг дуога очилган қўллари...



обод қилинганида ёки чиройли бинолар қурилганида эмас. Гап ижтимоий макон, яъни жамоатчилик учун мўлжалланган ҳудудлар фалсафасининг тубдан ўзгарганидир.

Шаҳар — ўз аҳолисининг ақли, руҳияти кўзгуси. Тартибли, озода, файзли ва инсон учун қўлай шаҳар бирдамлик, гўзалликни ва инсон қадрини юксак қўядиган жамият белгисидир. **Авваллари бундай марказий ҳудудлар кўпроқ маъмурий аҳамият касб этиб, оддий фуқаро учун бир оз бегонадек туюларди. Бугун эса бу масканлар инсонлар учун, уларнинг oilаси, фарзандлари билан мазмунли дам олиши, ўзаро дилдан суҳбатлашиши, ҳаётнинг гўзал лаҳзаларидан баҳраманд бўлиши учун хизмат қиладиган**

Бу манзаранинг ўзи буюк бир асар. Бу асарнинг номи тинчлик, фаровонлик ва бунёдкорликдир. Маҳалла ҳаётига сингиб кетган фойз, аҳиллик, ҳамжихатлик муҳити ҳар қандай моддий бойликдан устун. Шундай муҳитни сунъий яратиш қийин, уни буйруқ билан яратиш бўлмайди. Бунга одамларнинг қалбида эртанги кунга ишонч уйғотиш, адолат ва ҳақиқат қарор топишига замин яратиш орқалигина эришиш мумкин.

Дарҳақиқат, маҳалла ҳаёт мактабидир. Фарзандларимиз расмий таълим даргоҳига бормасдан анча аввал айнан маҳалла бағрида каттага ҳурмат, кичикка иззат, қўни-қўшничилик одоби, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик

каби ёзилмаган, лекин ҳаёт учун энг зарур қонун-қондаларни ўрганади. Айнан шу ерда уларнинг характери шаклланади, дунёқараш кенгайди.

Шу маънода, маҳаллаларни обод қилиш нафақат бугунги авлод учун қўлайлик яратиш, балки келажак авлодларнинг тарбияси учун мустаҳкам замин ҳозирлаш демакдир. Маҳалланинг ишсизликдан холи ҳудудга айланиши эса бу асарнинг мазмунини янада бойитади. Бу ютуққа марказдан келган буйруқ билан эмас, балки одамларнинг ўз ташаббуси, ҳунармандчилик, тадбиркорлик орқали эришилгани айниқса муҳим. Бу



Сўнгги йилларда эса Президентимиз раҳбарлигида бу мустақиллик янгилик мазмун, янгилик суръат касб этди. Давлатчиликни мустаҳкамлаш босқичидан биз энди миллий юксалиш босқичига қадам қўйдик. Бугунги даврни мен уйғонишнинг энг фаол босқичи деб биламан. Энди биз нафақат ўтмишимиз билан фахрланамиз, балки буюк келажакимизни ҳам ўз қўлларимиз билан, дадил қадамлар билан бунёд этмоқдамиз.

давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатнинг энг асосий тамойили — **одамларни божимандалик қайфиятидан чиқариб, уларга куч-ғайрат бериш, имкониятлар эшигини очиб сиёсатнинг амалдаги ёрқин натижасидир. Шунингдек, инсон капиталига, ҳар бир фуқаронинг салоҳиятига бўлган юксак ишонч деб баҳолаш жоиз.**

Шу ўринда қалбимдан бир фикр ўтади: бундай обод ва файзли маҳаллалар шунчаки чиройли манзара эмас, балки иқтидорлар учун ўзига хос бир “инкубатор” вазирасини ҳам ўтайди. Тарихдан маълум, буюк алломалар, моҳир саркардалар ва жаҳонга донг кетган ҳунармандлар айнан тинч, аҳил ва маърифатли муҳитда камолга етган. Бугунги обод маҳалла эртанги чемпионлар, олимлар, иxtирочилар ва санъаткорлар улғаядиган маскандир. Болалар майдончасида ўйнаб юрган ўғил-қизлар орасидан келажакда юртимиз байрогини жаҳон ареналарида баланд кўтарадиган спортчилар етишиб чиқишига асло шубҳа йўқ.

Бу тасодиф эмас, қонуният. Чунки фарзандларимизнинг кўз ўнгига яратувчилик, бунёдкорлик, меҳнат билан юксак натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақидаги ҳаётий намуна турибди. Қўшни маҳалладаги уста ҳунарманднинг ютуғи, маҳалладош тадбир-

Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Бу — маҳалла гузарига кичик кутубхона. Бир қарашда арзimasдек туюлган бу деталь, аслида, бугунги ислохотларнинг нақадар чуқур мазмунга, теран фалсафага эга эканини кўрсатувчи ёрқин тимсолдир. Миллатнинг, давлатнинг пойдевори — маърифат. Қаердаки китобга, илмга эътибор кучли бўлса, ўша юрда юксалиш, тараққиёт бўлади. Буюк бобокалонимиз Амир Темур “Куч — адолатда” деганида, адолатнинг ўзи ҳам илм ва маърифатдан куч олишини назарда тутган. Бугун маҳаллалар марказида кутубхоналар пайдо бўлаётгани, кўпаяётгани — келажакка қўйилган энг катта, энг бебаҳо сармоя.

Каттами-кичикми кутубхона шунчаки китоблар терилган жавонлар тўплами эмас. Бу — оламга очилган нурафшон дарча, боболаримизнинг ҳикмат хазинаси билан набираларининг шижоатли орзуларини таштирадиган қўлрик. Биргина китобнинг қудратини, биргина харфининг сеҳрини англаган миллат енгилмас бўлади.

Бугунги кунда маърифатини, илмни нуфузли даргоҳларда олиб чиқиб, ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга олиб кириш топ маънодаги демократик, маърифий инқилобдир. Бу миллатнинг интеллектуал суверенитетини мустаҳкамлаш йўлидаги энг муҳим қадам.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси бутун мамлакат бўйлаб ёйиш ҳақидаги кўрсатмаси эса биз Учинчи Ренессанс пойдеворини қандай мустаҳкам асослар устига қураётганимизни яққол намоён этади.

Президентимизнинг таширф давомида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига ҳам эътибор қаратгани бежиз эмас. “Инсон” сўзининг ўзида бутун бир маъно мужассам. Бу сўз бугунги сиёсатимизнинг бош ғояси, алфа ва омегадир. **“Инсон қадри учун” деган улғу тамойил эндиликда қуруқ шиор эмас, балки ҳар бир соҳага, ҳар бир жабҳага сингиб бораётган ҳаётинг мезонига айланди.**

Бу марказларнинг ташкил этилиши жамиятимизда меҳр-оқибат, саховат ва ўзаро ёрдам каби азалий қадриятларимизнинг янги, замонавий ва тизимли шаклда намоён бўлишидир. Шу ўринда биз оддий раҳмдиллик ёки ачинаш ҳиссига асосланган ёрдам ҳақида эмас, балки инсоннинг қадр-қимматини тиклаш, унинг жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ўз ўрнини топишига қўмаклашиш ҳақида гапиряпмиз.

Энди давлатнинг қўмаги шунчаки бир маргалик моддий ёрдам билан чекланиб қолмаяпти. Инсоннинг дарди тингланипти, унинг муаммоси ўрганилганди ва унга шунчаки балиқ эмас, балки инсоннинг қадр-қимматини тиклаш, унинг жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ўз ўрнини топишига қўмаклашиш ҳақида гапиряпмиз.

Мустақиллигимизнинг 34 йиллик шодие-насига яқинлашар эканмиз, ўйлаб қоламиз: мустақиллик бизга нима берди? У бизга, аввало, ўзлигимизни англаш, ўз тақдиримизнинг ҳақиқий эгаси бўлиш бахтини берди. У бизга ўз қадриятларимизни тиклаш, буюк аجدодларимизнинг муносиб ворислари бўлиш имкониятини тақдим этди. Дастлабки йилларнинг қийинчиликлари ва синовлари бизни тоблади, чиниктирди.



Сўнгги йилларда эса Президентимиз раҳбарлигида бу мустақиллик янгилик мазмун, янгилик суръат касб этди. **Давлатчиликни мустаҳкамлаш босқичидан биз энди миллий юксалиш босқичига қадам қўйдик. Бугунги даврни мен уйғонишнинг энг фаол босқичи деб биламан.** Энди биз нафақат ўтмишимиз билан фахрланамиз, балки буюк келажакимизни ҳам ўз қўлларимиз билан, дадил қадамлар билан бунёд этмоқдамиз.

да ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш мумкин.

Ишончим комилки, Президентимиз бошчилигида биз янада улғувор марраларни забт этамиз, Учинчи Ренессанс пойдеворини муваффақиятли қуриб битирамиз ва келажак авлодларга озод, обод ва фаровон Ватанин мерос қолдирамиз. Мустақиллигимиз абадий, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!



Олтин авлод қаноти

Янги Ўзбекистон йўли — адолат, ишонч ва имконият



Мухторхон ТОШХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Миллий
паралимпия кўмитаси раиси

Бошланиш 1-бетда

Ушбу қарор том маънода спортчиларга катта имкониятлар эшигини очмоқда. Жумладан, ҳужжатда олимпия ва паралимпия спорт турларини уларнинг амалдаги натижаларига кўра тоифаларга ажратиш, қисқа ва узок муддатли стратегияларни белгилаш кўрсатилган. Бунда ушбу спорт турлари дифференциал ёндашув асосида ривожлантирилади. Шунинг ўзиде янги Ўзбекистонда инсонларга ўз имкониятини тўғри баҳолашга шароит яратиш орқали адолатли тизим ишлаётганини кўрсатади. Чунки дифференциал ёндашув спорт турига, унинг ҳолати ва истиқболига

учун тайёрлаб борилади. Ёш спортчилар захираси янада кенгайтирилади. Бу олдимишга саралаш ва селекция тадбирлари учун “Йўл харитаси” тузиш заруратини қўймоқда. Ушбу ишларни самарали ташкил этиш орқали лицензия ва медалларни қўлга киритишда жуда катта натижаларга эришиш кутилляпти.

Кўзланган маррага эришиш эса қатор жиҳатларга эътибор қаратишни тақозо этади. Хусусан, ҳудудларда иқтидорли ва истиқболли параспортчиларни саралаш ва селекция ишларини янги босқичга олиб чиқиш зарур.

Шу ўринда “Мафтунингман” бадийий фильми эсга тушади. Кинода Наби Раҳимов образини яратган қаҳрамон олис қишлоқларга бориб, оддий одамлар орасидан истеъодларни топиб келади. Энди биз ҳам мана шундай ишлашимиз, халқимиз, ёшларимиз орасидан иқтидор эгаларини излаб топишимиз керак. Бу борада ўзига хос чора-тадбирлар белгиланган. Масалан, паралимпия ҳаракатини ривожлантириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари раҳбарлик қиладиган ҳудудий кенгашлар ташкил этилади.

Президентимизнинг 2024 йил 28 майдаги қарори билан Ўзбекистон давлат спорт академияси ташкил этилган эди. Академия илк бор 2025-2026 ўқув йили учун талабаларни қабул қилади. Ушбу ўқув йилида паралимпия йўналиши бўйича 20 та жой ажратилган. Уларга номзодлар айнан ҳудудлардаги Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази ўқувчилари орасидан саралаб олинади.

“Янги Ўзбекистон” боғи, маърифат масканлари мажмуаси, Олимпия шаҳарчаси бир бутунликда янги Ўзбекистоннинг қиёфасини ташкил этади. Чунки спорт билан шуғулланидиган шахс нафақат жисмонан, балки маънан ҳам чиниқади. Бунга фан исботлаган. Донишмандлар бот-бот такрор этган. Хусусан, “Мутаносибликни сақлаш, гўзал ва соғлом бўлиш учун фақат фан ва санъат соҳасидаги билимларнинг ўзи кифоя қилмайди, бунинг учун умр бўйи бадантарбия ва гимнастика билан шуғулланиш талаб этилади”, дейди Афлотун.



олдимишга қўйилган катта маррани забт этишимиз учун бунга янада такомиллаштиришга эҳтиёж бор. Чунки тараққиёт бир жойда тўхтаб турмайди. Замонга мос қўлайликлар яратиш бориш эса спортчиларнинг эркин, ўзига ишонч билан ҳаракатланишида муҳим аҳамият касб этади.

Параспортчилар имкониятини тўғри баҳолаш учун уларнинг касалигига ёки нуқсонига қараб таснифлаш (классификация) ишлари маҳаллий даражада сифатли бўлиши керак. Бунга юқори сифатга олиб чиқиш учун халқаро тоифадаги ёки сертификатга



Кейинги босқичда тошга ишлов бериб, жаҳоир яратадиган заргардай ёшларнинг истеъодини кўрсатиб беришимиз шарт. Бунинг учун сараланган спортчиларни миллий терма жамоаларга киритиш, маҳаллий ва халқаро ўқув-машғулот йиғинларида уларнинг доимий ҳамда узлуқсиз иштирокини таъминлаш керак бўлади.

Спортчилар яхши билади, мазкур жараён ишларни комплекс ташкил этиш заруратини қўяди. Яъни ўқув-машғулот йиғинларида спортчиларнинг тайёрлаш жараёнида илгор ва натижадор методикалардан фойдаланиш зарур. Шу жараёнда ҳар бир спортчига алоҳида ёндашув керак бўлади. Психологик хизмат, тиббий-биологик, фармакологик ва витаминизация ишларини амалга ошириш, машғулотдан кейинги қайта тиклаш жараёнини тизимли ташкил этиш керак. Қолаверса, нуфузли халқаро мусобақаларда спортчиларимизнинг маҳоратини доимий ошириб бориш лозим.

Психологик, руҳий қувват ҳақида ҳам қисқача тўхталсам. Доим паралимпиячилар билан суҳбатлашганимда, улардаги сўнмас ишончдан қувонаман. Чунки спортчиларнинг юз-кўзида спорт ҳаётимни яхши томонга ўзгартирди, энди мен янада катта ғалабаларга эришаман, деган қатъиятнинг кўраман. Демак, олдимишда уларнинг шижоатига мос шарт-шароит яратиш бериш вазифаси ҳам турбди. Хусусан, параспортчиларга ўқув-машғулот давомидида спорт иншоотларидан етарлича фойдалана олиши учун қўлай шарт-шароит яратишимиз керак. Тўғри, ҳозир ҳам спорт иншоотларимиз бутунгун кун талабларига тўла жавоб беради. Лекин

Жорий йилнинг ўтган ярим йили мисолида айтсак, Халқаро кўзи оқизлар спорт федерацияси (IBSA), Жаҳон параспортлетика, Польша, Эрон, Корея, Беларусь паралимпия кўмиталари, Санкт-Петербург шаҳрида А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети, Россия Федерацияси П.Ф.Лесгафт номидаги Миллий давлат жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик университети делегациялари билан учрашиб, ҳамкорлик ўрнатдик. Бундан ташқари, Халқаро паралимпия ва Осиё паралимпия кўмиталари билан комплекс мусобақалар ҳамда турли масалалар юзасидан доимий иш режимида ҳамкорлик қилинмоқда.

Шу каби тизимли ишлар 2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтадиган XVIII Паралимпия ўйинларида ватанимиз спортчилари янада юқори марраларни забт этишига қаратилган.

Қарор билан спортчиларни Лос-Анжелес Паралимпия ўйинларига тайёрлаш дастури ҳам қабул қилинди. Унда “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш назарда тутилган. Биз доим Спорт вазирлиги, Миллий Олимпия кўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб, катта ютуқларга эришиб келямиз. Ушбу қарор билан белгиланган вазифаларни биргаликда юқори савияда бажаришга киришдик.

Шу ўринда нихоятда муҳим жиҳатга эътибор қаратишни истардим. “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақасини шунчаки спорт беллашуви эмас. У орзуларга эришишда меҳнатга яраша муносиб баҳо, ёш спортчиларнинг келажака йўлнамасидир. Чунки мусобақанинг республика босқичида гоили бўлганлар бевосита миллий терма жамоаларимиз захирасига олинади.



Мусобақада биринчи ва иккинчи ўринни қўлга киритганлар Республика паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига, учинчи ўрин эгалари эса унинг ҳудудий бўлимларига қабул қилинади. Яъни мусобақа гоилиларига бўлажак қаҳрамонлар деб қаралади. Бу ҳам бўлса, мақолаимиз аввалида айтганимиз, янги Ўзбекистонда инсонлар қалбида уйғонаётган мустақкам ишончининг яна бир ифодасидир.

Марказда ўқш жараёни икки босқичда кечади. Биринчи босқичда 8-11-синфлар учун олимпия ва паралимпия мактаби, иккинчи босқичда 1-2-курслар учун олимпия ва паралимпия коллежи фаолият кўрсатади.

Қолаверса, паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида терма жамоалар спортчиларини илгор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Бунинг учун зарур бўлса, чет эллик спорт мутахассислари жалб этиб борилади.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиш ўтмоқчиман. Параспортчини тайёрлаш, уни натижадор чўққига олиб чиқиш жуда катта меҳнат, сабр-тоқатни талаб этади. Аввало, спортчини ишонтириш, унинг олға интилиши учун сўнмас шижоатни уйғотиш керак. Бунинг учун мураббийда катта маҳорат ва гўзал инсоний фазилатлар мужассам бўлиши шарт. Шу нуқтани назардан, мураббийларни юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлашдаги хизматлари учун рағбатлантириш тизимни такомиллаштириляётгани янада қувонарли. Яъни паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ҳамда олий спорт

иншоотлари тадбирлардан бўш вақтларда бемалол параспорт мусобақаларини ўтказишимиз мумкин бўлади. Бунинг қанчалик муҳим эканини теран англаш учун Олимпия шаҳарчасининг имкониятларини тушунишимиз керак. Айни пайтда қурилиш давом этаётган ушбу шаҳарча халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган замонавий спорт комплекси бўлади. У ҳар қандай мусобақани юқори савияда ўтказишга, муҳими, спортчиларимиз тайёргарлик жараёнида катта майдонга мослашиб боришда беқиёс ўрин тутди. Бундай кўникмаларнинг ўз вақтида шаклланиши, айниқса, параспортчилар учун жуда муҳим.

Олимпия шаҳарчасининг маърифий аҳамияти ҳам борки, бу хусусда алоҳида тўхталмасак бўлмайди. Катта майдон, 100 гектар жойга қуриляётган ушбу шаҳарча “Янги Ўзбекистон” боғи рўпарасида, Мустақиллик монументи шундоқ кўриниб турадиган жойда қад ростляпти. Бу боғ том маънода Уччинчи Ренессансини яратиш аҳди, қатъий қарори билан яшайётган халқимизнинг маънавий бирдамлиги, орзу-умидлари рамзидир. Мустақиллик монументи шонли тарихимизни, бутунимиз ва эртанги кунимизни ўзида мукаммас этган. Ана шундай муҳим, таъбир жоиз бўлса, келажақ ядроси жойлашган ҳудудга туташ ҳолда катта спорт комплекси қурилиши биз талаган йўлга нозик ишорадир. Ундан сал нарида маърифат маскани шаҳарча шаклида бунёд этиляпти.

Бундан англаш мумкинки, давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистон госянини ҳаётга таъбиқ этишдан олдин пухта режа, аниқ тасаввурга эга бўлган. Бу узокни кўра оладиган етакчиларгагина хос фазилатдир.

Янги Тошкентда биринчи боғ барпо этилди. У келажақ госяини шаклида ҳаётимизга кириб келди. Сўнг маърифат масканларини бунёд этишга старт берилди.

“Бугун “Янги Ўзбекистон” университети ва Тошкент давлат педагогика университетининг кампуслари, Миллий кутубхона, Миллий театр, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи, яноқ мактаби ҳамда Миллий мақом марказига тамал тоши қўямиз. Янги шаҳар қурилиши илм-фан,

Алоҳида тоифаларга ажратиш спортнинг бошқа турларини ҳам ривожлантиришга хизмат қилади. Шу орқали барчага ўз истеъодини намойён этишга имконият берилади. Керак бўлса, мактаб ўқувчилари орасидан истеъодлар сараланиб, келгуси юқори натижалар учун тайёрлаб борилади.

қараб алоҳида ишлаш дегани. Яъни ҳар бир спорт тури ўтган йилларда кўрсатилган натижага қараб устувор, истиқболли ва ривожланиётган тоифаларга бўлинади. Бундай тоифалаш спорт турларига индивидуал ёндашиб, уни янада ривожлантириш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қўл келади.

Масалан, қарорда парангил атлетика, парадзюдо, паратаэквондо (WT), парасузиш, парасурфингтон ва парайўқ отиш спортининг устувор турлари сифатида келтирилган. Ушбу спорт турлари билан шуғулланиётган спортчиларимизда бутун катта натижаларни олиб келиш имкони кўпроқ. Шу боис, улар билан қисқа вақтда катта натижага эришиш устиди ишлаймиз. Қарорда ҳам бу алоҳида банд сифатида кўрсатилади. Устувор спорт турларида лицензияларни кўпайтириш ҳамда медаллар учун курашиш вазифаси қўйилди.

Худди шунингдек, параканозда эшак эшиш, параакадемик эшак эшиш, паравелоспорт, аравадада қилинбозлик, параканондан отиш ва параспорт теннис спорт турлари истиқболли ҳисобланади. Бу тоифадаги спорт турлари яқин келажақда юқори натижаларни келтириш имконига эга. Бу бизга ушбу спорт турларини ривожлантиришда яқин келажака асосланган режа тузиш талабини қўяди. Яъни улар бўйича лицензияларни қўлга киритиш устиди ишлаймиз.

Ривожланиётган спорт турлари — бочча, паратриатлон, паравелойбол, парабадмингтон, кўзи оқизлар учун футбол (5х5) ва голбол. Яъни бу спорт турлари бўйича ҳам юқори самарадорликка эришиш имкони бор. Фақат уларни ривожлантиришда узок истиқболга асосланган режалар дастури ишлаб чиқиши керак. Шу ўринда ҳақли савол туғилади, ушбу спорт турларини тоифага ажратиш ривожлантириш нима беради?

Авало, маблагни йўналтириш, мураббийлар синфни шакллантириш каби ресурсларни самарали тақсимлаш оsonлашди. Бу ҳар бир спорт турининг барқарор натижага ўтишига олиб келади. Муҳими, стратегик режа тузиш ҳамда спорт соҳасида илмий асосланган тизимли ислохотлар қилиш имконияти кенгайди.

Алоҳида тоифаларга ажратиш спортнинг бошқа турларини ҳам ривожлантиришга хизмат қилади. Шу орқали барчага ўз истеъодини намойён этишга имконият берилади. Керак бўлса, мактаб ўқувчилари орасидан истеъодлар сараланиб, келгуси юқори натижалар

Қарор билан спортчиларни Лос-Анжелес Паралимпия ўйинларига тайёрлаш дастури ҳам қабул қилинди. Унда “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш назарда тутилган. Биз доим Спорт вазирлиги, Миллий Олимпия кўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб, катта ютуқларга эришиб келямиз. Ушбу қарор билан белгиланган вазифаларни биргаликда юқори савияда бажаришга киришдик.

маънавийат масканларидан бошланаётган бежиз эмас. Булар маърифатли жамият барпо этиш гоямизнинг асоси ва намунаси бўлади”, деган эди давлатимиз раҳбари.

Назаримда, “Янги Ўзбекистон” боғи, маърифат масканлари мажмуаси, Олимпия шаҳарчаси бир бутунликда янги Ўзбекистоннинг қиёфасини ташкил этади. Чунки спорт билан шуғулланидиган шахс нафақат жисмонан, балки маънан ҳам чиниқади. Бунга фан исботлаган. Донишмандлар бот-бот такрор этган. Хусусан, “Мутаносибликни сақлаш, гўзал ва соғлом бўлиш учун фақат фан ва санъат соҳасидаги билимларнинг ўзи кифоя қилмайди, бунинг учун умр бўйи бадантарбия ва гимнастика билан шуғулланиш талаб этилади”, дейди Афлотун.

Шу маънода, биз қўзлаган маррани забт этиш йўлида давлатимиз раҳбарининг “2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XXXIV ёзги Олимпия ва XVIII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарори тарихий аҳамиятга эга. Ушбу қарор ва унда кўрсатиб ўтилган вазифалар ижтимоий давлат мақомини олган мамлакатимизда халқни рози қилиш, барчага тенг ва адолатли шароит яратишдаги муҳим қадам. Айни пайтда янги Ўзбекистонни бунёд этишда янги давр бошланганини кўрсатиб берадиган бетакрор ҳужжатдир.

Сурхондарё вилоятида гидроэнергетик қувват 8 йилда 9 баробарга ошди

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда энергетика тармоғини жадал ривожлантириш, барқарор ва узлуксиз электр энергияси ишлаб чиқариш, бу борада қайта тикланувчи энергия манбаларига алоҳида эътибор қаратиш, хусусан, гидроэнергетика соҳасида янги ГЭСларни ишга тушириш, мавжудларини изчил модернизациялаш борасида “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг 11-12 июль кунлари маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари учун “Тўпаланг” ГЭСи ҳамда “Зарчоб-1”, “Зарчоб-2”, “Зарчоб-3” кичик ГЭСларига пресс-тур ташкил этилди.

Сурхондарё вилоятидаги асосий гидроэнергетик салоҳият Тўпаланг дарёси ҳисобига тўғри келади. Дарё сувидан унумли фойдаланиш мақсадида 1983 йилда “Тўпаланг” сув омбори бунёд этилган. У Сарийосиё тоғларидан оқиб тушган сувни бир жойга тўплаш натижасида вужудга келган. Ўзига хос табииати ва баланд тоғлар қуршо-видаги катта гидроиншоот бу ерда яшовчи аҳоли учун энг зарур манбадир. Денов, Шўрчи, Қумқўргон туманларидаги экнзорлар мазкур сув омбори орқали сугорилса, унинг қуйи қисмидаги ГЭСлар қуввати вилоятнинг жанубий ҳудудларини электр энергияси билан таъминлайди.

— Лойиҳа бўйича сув омборига 500 миллион куб метр сув йиғиш қувватига эга, ҳозир 430 миллион куб метр сув тўпланди, — дейди “Тўпаланг” ГЭСи директори ўринбосари, сув

омбори бошлиғи Саидваққос Ҳамроев. — Сув омборининг юқори қисмида иккита катта ва ўн тўққизта мини ГЭС қурилиши режалаштирилган. Келажакда аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши, худуднинг туризм салоҳиятини ошириш борасида янги лойиҳалар ишлаб чиқиломқда.

Вилоятда 2006 йилда илк гидротехник иншоот — 30 мегаватт қувватга эга “Тўпаланг” ГЭСи ишга туширилганди. Ушбу ГЭС 2021 йилга қадар воҳада ягона эди. 2017 йилдан эътиборан юртимиз бўйлаб мавжуд сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланган ҳолда янги ГЭСлар қуриш ва эскиларини модернизациялаш борасида кенг қўламли амалий ишлар бошланди. Хусусан, Сурхондарё вилоятида олиб борилган қидирув-лоийҳа ишлари доирасида қатор янги ГЭСлар қурилиши амалга оширилди.

— Тўпаланг сув омборида ГЭС қуриш лойиҳаси 1998 йилда тасдиқланиб, қурилиш бошланган, — дейди “Тўпаланг” ГЭСлар каскади директори Асроржон Улугов. — Саккиз йил давом этган қурилиш натижасида 2006 йилда 30 мегаваттлик агрегат ишга туширилди. 2019 йилда Президентимиз “Тўпаланг” ГЭСига келиб, имкониятларимизни қўриб, шу бино ичида яна икки агрегат қурилишига рухсат берди. 2023 йил 13 март куни “Тўпаланг” ГЭСда ўтказилган модернизация ишлари натижасида унинг 30 мегаваттлик қуввати 145 мегаваттга оширилиб, янгиланган 175 мегаватт қувватдаги йирик ГЭС ишга туширилди. Бугунги кунда ГЭСлар тармоғида 220 ҳодим ишлайди, электр ишлаб чиқаришга қўшаётган улушимиз, салоҳиятимиз борасида вилоятдаги йирик ташкилотга айландик. Ишчилар малакаси, қурилишдаги маҳаллий

АГАР 2017 ЙИЛГАЧА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ГИДРОЭНЕРГЕТИК ҚУВВАТЛАР 30 МЕГАВАТТ БЎЛГАН БЎЛСА, СЎНГГИ 8 ЙИЛДА 9 БАРОБАР ОШИБ, 2025 ЙИЛГА КЕЛИБ 273 МЕГАВАТТГА ЕТКАЗИЛДИ. ҲОЗИРГИ КУНДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРЛИ ҲАЖМДАГИ 16 ТА ГЭС (ХУСУСАН, КИНЕТИК ТУРБИНАЛИ 8 ТА ГЭС) ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

мутахассислар фаоллигини биргана “Зарчоб-3” ГЭСи қурилиши ва монтаж ишларининг тўлиқ ўз ҳодимларимиз томонидан амалга оширилганида ҳам қўриш мумкин.

“Тўпаланг” ГЭСи йилга ўртача 467 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. “Тўпаланг” ГЭСи лойиҳаси доирасида бошқарув тўлиқ автоматлаштирилиб, соҳада инсон омилсиз ишлайдиган “ақли” тизим яратилган.



2021 йил 3 апрель куни умумий қуввати 37,4 мегаватт бўлган “Зарчоб-1”, шу йили 20 ноябрь куни умумий қуввати 38,2 мегаваттлик “Зарчоб-2”, 2024 йил 30 август куни эса умумий қуввати 3 мегаватт бўлган “Зарчоб-1а” кичик ГЭСи ишга туширилди. Ушбу ГЭС ўртача 13,3 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Ҳисоб-китобларга кўра, “Зарчоб-1а” кичик ГЭСи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергия 5500 та

хонадонни таъминлайди. 2025 йил 24 январь куни умумий қуввати 3 мегаватт бўлган “Зарчоб-2а” кичик ГЭСи ҳам ишга туширилди.

“Зарчоб-3” ГЭСи қурилишига Президентимизнинг 2023 йил 17 ноябрда Сурхондарё вилоятига таширифи доирасида старт берилган эди. У қисқа даврда — қарийб 1,5 йил давомида қуриб битказилди. Мазкур ГЭС Тўпаланг дарёси бўйида қад ростлаган йирик лойиҳанинг мантикий давоми бўлиб, нафақат

Сарийосиё тумани, балки бутун Сурхондарё вилояти аҳолиси учун қўшимча қувват манбаини етказиб беради. Ҳозирги кунда “Зарчоб-3” кичик ГЭСи синов-тест режимида электр энергияси ишлаб чиқармоқда.

Ушбу лойиҳа мамлакатимиз янги тарихида Ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, бир дарё ўзанидан “занжир кетма-кетлиги” асосида қайта-қайта электр энергияси олишни таъминлайди. Эндиликда Тўпаланг дарёсидан каскад қўринишидаги ГЭСлар орқали 5-6 маротаба электр энергияси олинмоқда.

Лойиҳанинг фойдаланишга топширилиши натижасида йилга ўртача 70 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу эса 23 минг 200 та хонадонни электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, йиллик 19 миллион куб метр газ иқтисод қилинишига эришилади.

Агар 2017 йилгача Сурхондарё вилоятида гидроэнергетик қувватлар 30 мегаватт бўлган бўлса, сўнгги 8 йилда 9 баробар ошиб, 2025 йилга келиб 273 мегаваттга етказилди. Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида турли ҳажмдаги 16 та ГЭС (хусусан, кинетик турбинали 8 та ГЭС) электр энергияси ишлаб чиқармоқда.

Бугунги кунда вилоятдаги ГЭСлар томонидан йилга қарийб 700 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариляпти. Бу орқали 200 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинади. 290 минг хонадон электр энергияси билан таъминланади.

2033 йилга қадар вилоятда 22 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Хусусан, 2025-2033 йиллар мобайнида “Киштут” ГЭС-1, “Киштут” ГЭС-2, “Киштут” ГЭС-3, “Ўнг қирғоқ” ГЭСлар каскади, “Киштут” ГЭС-4, “Киштут” ГЭС-5, “Киштут” ГЭС-6 ҳамда 14 та ГЭСдан иборат “Юқори Тўпаланг” ГЭСлар каскади қурилади. Ҳозир шу каби истиқболли лойиҳалар учун Миэот — Киштут автойўли қурилиши доирасида қарийб 32 километрга тенг йўл барпо этилмоқда.

Юқоридаги барча лойиҳалар ишга туширилгач, 2033 йилда Сурхондарё вилоятининг гидроэнергетик қуввати ҳажми 668 мегаваттга етказилиб, йилга 2,24 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Гидроэнергетика соҳасининг изчил тараққиёти мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини ошириш билан бирга янги ГЭСлар қурилатган, модернизация қилинаётган гидротехник иншоотлар жойлашган ҳудудлар аҳолисининг турмуш фаровонлиги ошишига, ишлаб чиқариш субектларининг электр қувватлари билан таъминланишига, туманлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, халқимиз фаровонлигига мустаҳкам замин яратади.

Рашид ХЎЖАМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Янгича ёндашувлар



Бошланиши 1-бетда

Энди ерга уруғ қадаб, бир оз сув бериб, осмондан ёмғир қутган ҳолда ҳосил олиш оғуздек эшитилади. Бу ўёки игна билан қудуқ қазиб каби машаққатли ишга айланган. Бундай вазиятда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг ягона йўли соҳани илмий ёндашув асосида ислоҳ қилишдир. Замонавий технологиялар, фан ва инновацияларни амалиётга жорий этиш орқалигина барқарорликка эришиш мумкин. Жумладан, қуруқчиликка ва совуққа, касалликларга чидамли, кўп ҳосил берадиган навларни етиштириш замон талаби.

ЯНГИ БОСҚИЧДАГИ МИЛЛИЙ АГРАР ЁНДАШУВ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси” қабул қилинган. Ушбу ҳужжатда 9 та устувор йўналиш ва ислохотларнинг қисқа ҳамда узоқ муддатли йўналишлари белгиланган. Айна пайтда мазкур стратегия асосида аграр соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қорвачилик ва иссиқхона хўжаликларини, пахта-тўқимачилик кластерларини қўллаб-қувватлаш, узумчилик ва виночилик соҳаларини барқарор ривожлантириш, хомашё базасини кенгайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, аграр секторни замонавий, ресурс тежамкор техника ва технологиялар билан таъминлаш борасида янги механизмлар жорий этиляпти. Бу каби чоралар ўз мевасини бермоқда. Биргина 2024 йил якунилари бўйича қишлоқ хўжалигида умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 467 триллион сўмини ташкил этди. Бунинг катта қисми деҳқончилик ва қорвачилик маҳсулотларига тўғри келади. Бу соҳадаги ўсиш нафақат ички эҳтиёжларни қондириш, балки экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилиши табиий ҳол.

2024 йилдан фаолияти йўлга қўйилган Ғаллаорол туманидаги “Agro In Vitro” маж-

2024 йилдан фаолияти йўлга қўйилган Ғаллаорол туманидаги “Agro In Vitro” мажмуаси юртимизда қишлоқ хўжалиги тармоғида амалга оширилаётган муҳим лойиҳалардан. 20,4 гектар майдонда ташкил этилган ушбу марказ таркибида “In vitro” лабораторияси, юқори технологияли иссиқхоналар, кўчатзор ва оналик боғи мавжуд.



БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДАГИ ИНТЕНСИЗ БОҒЛАР МАЙДОНИ 70 МИНГ ГЕКТАРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. 2030 ЙИЛГАЧА БУ КЎРСАТКИЧНИ 110 МИНГ ГЕКТАРГА ЕТКАЗИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН. БУ ҲАР ЙИЛИ КАМИДА 7-8 МИНГ ГЕКТАРГА ЯНГИДАН БОҒЛАР БАРПО ЭТИЛИШINI АНГЛАТАДИ.

“AGRO IN VITRO” даги ҲАЁТ

ИЛМ ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН БОҒЛАР



қарашда оддий кўринса-да, аслида, муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Иккинчидан, ҳар бир юрдошимизнинг дастурхонида маҳаллий ва серҳосил мева-лар бўлишини кафолатлайди. Энг муҳими, фермерлар учун бу кўпроқ ҳосил, даромад, барқарор ҳаёт манбадир.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА — ЮТУҚЛАР ЗАМИНИ

Лойиҳа доирасида дунёнинг етакчи компаниялари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Жумладан: “VISCON GROUP” (Нидерландия) томонидан МДҲ ҳудудида ягона бўлган “In vitro” лаборатория ташкил этилган. Яна ушбу мамлакатнинг “Gakon Netflim” компанияси томонидан дунёда бешинчи ўринда турувчи иссиқхона қурилган. Шунингдек, Италия, Испания ва АҚШ компаниялари билан узоқ муддатли шериклик йўлга қўйилган.

Бу каби халқаро алоқалар маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, билим ва технологияларни локаллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

ИННОВАЦИОН ЛАБОРАТОРИЯ — ИЛМИЙ САМАРА ВА ИШОНЧ МАНБАИ

Лойиҳа доирасида қуйидаги навлар устувор равишда етиштирилмоқда: 35 хил данакли, 25 хил уруғли, 30 хил манзарали, 11 хил узум, 30 хил пайвандлаш, 18 хил резавор мева-лар. Уларнинг орасида эртапишар, кечпишар, ўзини ўзи чаплатувчи, сувсизликка чидамли ва юқори ҳосилдор навлар ҳам бор. Бу эса турфа иқлим шароитида ҳам самарали боғдорчиликни йўлга қўйиш имконини беради.

Лойиҳанинг ўзак нуқтаси лабораториядир. У замонавий агробиотехнологиянинг юраги бўлиб, нафақат юқори сифатли кўчатлар етиштириш, балки улар орқали қишлоқ хўжалигини янгича босқичга олиб чиқиш вазифасини бажаради. Ушбу лаборатория техник ва стратегик нуқтаи назардан ҳам бир неча афзалликларга эга.

Аввало, лаборатория комплекс ишлаб чиқариш занжирининг тўлиқ босқичини ўз ичига олади. Яъни уруғ материалларини танлаб олишдан тортиб, уларни лабораторияда кўпайтириш, илдиэлантириш, иссиқхонада парвариллаш ва тайёр кўчат сифатида чиқаришгача бўлган барча босқичлар бир жойда жамланган. Бу, ўз навбатида, сифатни кафолатлаш, тезкорлик ва назоратни таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, лаборатория Ўзбекистонда ҳандон листа, киви ва манзарали дарахт кўчатлари шу усулда кўпайтирувчи ягона марказ саналади. Бу унинг эксклюзив вазифаси ва аҳамиятини белгилаб беради. Италия ва Испаниядан келтирилган сертификатланган In vitro материаллар асосида клонлаш ишлари амалга оширилади. Яъни ҳар бир кўчатнинг генетик тазалиги ва сифат стандарти кафолатланган. Кўчатлар торф асосидаги муҳитда ўстрилади, бу эса уларнинг соғлом бўлиши ва очик майдонга мослашишини осонлаштиради.

Бундан ташқари, йил давомида лабораториядан тайёр кўчатлар қилиниши мумкин, бу эса мавсумий чекловларсиз ишлаш имконини беради.

Лаборатория таркибидаги замонавий иссиқхона махсус филтёрлаш тизимлари билан жиҳозланган бўлиб, ўсимликларга идеал озикланиш муҳитини яратади. Бир вақтининг ўзида турли хил ўсимликлар билан ишлаш олиши — ҳарорат, намлик ва ёруғлиқнинг автоматик назорати ҳар бир навиинг индивидуал талабларига мос шароит яратилишини таъминлайди.

Лаборатория самарадорлигини ошириш мақсадида узум ва мева-ли дарахтларнинг кўргазмалли коллекцияси ташкил этилган. Бу нафақат илмий-амалий тажриба майдони, балки аграр таълим учун ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маҳаллий агроном ва кўчатчилар учун йилда икки марта бепул ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда. Бу орқали нафақат лойиҳа доирасидаги кадрлар салоҳияти оширилади, балки бутун минтақадаги аграрно-соҳасига билим тарқатиши таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, “Agro In Vitro” мажмуаси қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг муҳим трансформациялардан биридир. Бундай лойиҳалар орқали Ўзбекистон ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш барибарида минтақада аграр инновациялар марказига айланиш имкониятига ҳам эга бўлади. Илм ва табиат уйғунлигида барпо этилаётган янги боғларни нафақат ҳосил манбаи, шу билан бирга, умид, барқарорлик ва тараққиёт дарахтлари дейиш мумкин.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

